Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 16 ноябрь, шанба • № 91 (10.866) • Эркин нархда сотилади

ЕВРОПА МАРКАЗИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-14 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Белгия қироллигида бўлди.

Мамлакатимиз тараққиёт ва эркин ривожланиш омили бўлмиш бозор муносабатлари, иқтисодиётни юксалтириш сари дадил одимлаб бораётир. Бунда узоқ йиллик тажриба, юксак техника ҳамда технологияга эга хорижий шериклар билан иш юритиш, улар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилиш, юртимизга кўплаб чет эл сармоядорларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда республикамиз бу борада талай ютуқларни қўлга киритиб, дунёнинг турли давлатлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлади, жаҳон ҳамжамияти эътирофига эришди.

Ўзбекистон Президентининг Белгияга ташрифи ана шу эътироф билангина чекланиб қолмай, икки мамлакатнинг мавжуд улкан имкониятларини ишга солиш, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган эди. Ўзбекистон Президентининг Брюсселдаги дастлабки учрашувларидан бири айнан Белгиянинг йирик компания ва фирмалари раҳбарлари, тадбиркорлари билан бўлгани бежиз эмасди. Белгия ташқи савдо офисида бўлган учрашувда мазкур офис фахрий раиси шаҳзода Филипп Президент Ислом Каримовни ўз юрти заминида қутлар экан, ўзбек халқи қадимдан ишнинг кўзини билгани, бу эса мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. «Бугун икки мамлакат ҳамкорлигини янада равнақ топтириш учун улкан имкониятлар мавжуд, шу маънода Сизнинг ташрифингиз айни муддао бўлди», деди Белгия шаҳзодаси.

Президент Ислом Каримов йиғилганларга Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўли, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки самаралари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалари хусусида сўзлаб берди. Белгия тадбиркорлари диққатини мамлакатимизнинг чет эл сармоядорлари учун қай даражада жозибали эканига қаратди — Ўзбекистонда улкан хомашё базаси мавжуд, ишчи кучи арзон ҳамда сармоя киритувчилар учун қулай ҳуқуқий асос яратилган. Ислом Каримов Белгия компанияларининг юксак технологияга эгалигини таъкидлаб, «Сизнинг технологиянгиз — бизнинг ресурсларимиз» шаклида ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқи белгиялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасининг маркази сифатида билиши ва сайёҳлик инфраструктураси, қурилиш ва бошқа соҳаларга сармоя киритиш имкониятлари билан қизиқдилар. Шунингдек, тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Мулоқотлар якунида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Белгиянинг «Женерал» банки ўртасида кредит битими имзоланди. Уни мазкур банклар раҳбарлари Р. Азимов ва М. Бланкен имзолади.

Мамлакатимиз раҳбари Белгия парламентида бўлиб ўтган сенат ва вакиллар палатаси раҳбарлари билан учрашувда нутқ сўзлади. Ислом Каримов Ўзбекистон-Белгия муносабатлари ҳақида тўхталиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда ҳар икки давлат парламентларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Сенат раиси Фрэнк Свален Ўзбекистон Белгиянинг Марказий Осиёдаги стратегик аҳамиятга молик ҳамкори эканини ҳамда нафақат икки томонлама муносабатларда, балки, республикамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам Белгия уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Белгия парламентида сенат раиси ва вакиллар палатаси раиси номидан Ўзбекистон Президенти шарафига зиёфат берилди.

Брюсселни бежиз Европа ҳамжамиятининг маркази дейишмайди. Бу ерда НАТО, Европа Иттифоқи, Европа Иттифоқи кенгаши, Европарламент каби ўнлаб халқаро ташкилотлар қарорғоҳлари, дунёнинг юзлаб йирик фирмалари ваколатхоналари жойлашган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Брюссел мэриясида бўлган учрашувда нутқ сўзлар экан, худди шу жиҳати учун ҳам Брюсселни Европа интеграциясининг тимсоли дея атади.

— Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг қатъий иродаси ва узоқни кўзлаб иш тутиш сиёсати натижасида мамлакат ишонч билан тараққиёт сари бормоқда ва иқтисоди юксалмоқда, — деди Брюссел бургомистри К.Ф. Де Доннеа учрашувда. — Буни халқаро ҳамжамият аллақачон эътироф этган. Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган беш йил давомида минтақадаги айрим нотинчликларга қарамай, барқарорликни сақлаб қолди ҳамда фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришди.

Мамлакатимиз Президенти Брюссел шаҳар мэрияси фаолияти билан танишди ҳамда унинг олтин китобига эсдалик дастхати битди.

Европада, жумладан, Белгияда расмий иш юритиш таомиллари албатта, Шарқдан фарқ қилади. Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими ташрифнинг иккинчи куни кечга яқин бўлди. Буни мамлакатимиз раҳбарининг сафар дастури тиғизлиги, учрашувлар ва мулоқотларнинг кўплиги, хуллас, ташрифнинг ҳар бир дақиқасини самарали ўтказишга интилиш билан изоҳлаш лозим.

Шу куни Брюсселдаги Эгмонт саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Белгия қироллиги давлат мадҳиялари янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане Ўзбекистон Республикаси ва Белгия қироллиги ўртасидаги қўшма сиёсий декларацияга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Белгия Бош вазири ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Айни пайтда Эгмонт саройининг мовий залида Ўзбекистон ва Белгия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Кечқурун Ўзбекистон Президенти шарафига Белгия Бош вазири номидан зиёфат берилди.

Ташрифнинг учинчи куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Белгия қироли Алберт Иккинчи билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Брюсселдаги қадимий сарой — «Вал дюшес» қарорғоҳида Белгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстатдни қабул қилди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Белгия қироллиги ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик ва фойда ҳамда капиталдан олинадиган солиқни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция, ҳаво алоқаси ҳақидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ва Белгия бош вазири ўринбосари Филипп Мейстатд имзолади.

Қўшма сиёсий декларация ва бошқа ҳужжатларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистонда Белгиянинг юксак технологиясига интилиш бўлганидек, Белгияда ҳам юртимизнинг ўтмиши ва бугуни, улкан имкониятларига қизиқиш кучлидир.

— Бухоро, Самарқанд, Хива каби жаҳон ҳазинаси жавоҳирларига эга Ўзбекистоннинг бой маънавий ўтмиши ва тарихига қизиқишимиз нақадар кучли бўлса, — дейди Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане, — мамлакатингизнинг бугунига бўлган қизиқишимиз ҳам асло ундан қолишмайди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришди. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар Белгияни Ўзбекистон билан яна ҳам кенг ҳамкорлик қилишга чорлаётир.

Ўзбекистон раҳбари Брюсселда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан ҳам мулоқотда бўлди. Маълумки, Ўзбекистон Шимолий Атлантика алянсининг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо бўлганидан буён у билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистон аскарлари мазкур дастур доирасида ўтказилаётган бир қанча ҳарбий машқларда иштирок этмоқда. НАТО маъмурияти мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасидаги энг фаол ҳамкорларидан бири сифатида баҳолади. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг минтақада тинчликни сақлаш, Афғонистондаги урушни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, хусусан, бу мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаш борасидаги таклифи НАТО томонидан маъқулланмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлашуви жараёни, Европа ҳамжамияти мамлакатлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалари кундан кунга равнақ топаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда Европа Иттифоқининг тасис дастури доирасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ёзида Флоренцияда «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг имзоланиши ўзаро ҳамкорлик учун кенг ҳуқуқий асос яратган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси раиси Жак Сантер билан учрашувида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар ўртасида оралиқ битимининг имзоланиши ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъкидлади. Шунингдек Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва имкониятлари ушбу манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан нафақат савдо-иқтисодий, балки, сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятига эга, деди Президент.

Шу куни Европа Иттифоқи Кенгашида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралиқ битими имзоланди. Битимни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Европа Иттифоқининг доимий вакиллар қўмитаси раиси, Ирландиянинг Европа Иттифоқидаги элчиси О. Лира, ЕИКнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича бош директори ўринбосари Ж. Ляморе имзолади. Ушбу ҳужжат аввал имзоланган «шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим» Европа Иттифоқига аъзо давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилингунга қадар юзага келадиган ораликдаги бўшлиқни тўлдиради. Қисқача айтганда, оралиқ битим имзоланиши билан асосий ҳужжат кучга киради.

Ўзбекистон раҳбарининг Белгия қироллигига расмий ташрифи икки мамлакат алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон -НАТО ва Ўзбекистон-Европа Иттифоқи ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси Брюсселга келган куни шаҳарни бир неча кун кўз очирмаган ёмғир тўхтади. Чарақлаб чиққан қуёшдан сўнг булутлар тарқалиб кетди. Шу боис Президент Ислом Каримов учрашувларнинг бирида «Биз сизларга Ўзбекистон қуёши тафтини олиб келдик» дея лутф этди. Қуёш ҳамиша яхшилик аломати бўлиб келган. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги ёруғ истиқболга эгалиги шубҳасиздир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Белгия сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов, Ўзбекистоннинг Белгия қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Файзуллаев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

15 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Тошкентга қайтиб келди.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.



СУРАТДА: Президент Ислом Каримовнинг ЕИК президенти Жак Сантер билан мулоқоти пайти.
Рейтер сурати.
(«Жаҳон» ахборот агентлиги орқали олинди.)

МАТБУОТ — МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲОКИМЛИКЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР, ЖАМҒАРМАЛАР ВА МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАРЧА ОБУНАЧИЛАРГА

МУРОЖААТИ

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! Бизга ота-боболаримиз ҳавас ва орзу қилган мустақиллик замонида яшаш насиб этди. Истиқлол шарофати билан жонажон диёримиз дунёга танилди. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бозор муносабатлари қарор топаётир.

Ижтимоий ҳаётимиздаги бундай оламшумул ўзгаришлар одамлар тафаккурида ҳам давом этмоқда. Бугун Ватан ҳар қачонгидан маърифатли, ҳар қачонгидан зиёли ва ҳар қачонгидан билимли фуқароларга эҳтиёж сезмоқда. Инсоний комиллик эса мамлакатда ва дунё миқёсида бохабарлик, воқифлик ва дахлдорлик қўлами билан белгиланади. Бохабар одам бошқаларга қараганда кўпроқ ютуққа эришади, ҳаётнинг олдинги марраларида юради.

Жамиятимизда кечаётган шиддатли янгиланиш палласида матбуотимиз ҳам янгича қиёфа, янгича мазмун касб этмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқида баён этилган матбуотни демократлаштиришга оид дастурий кўрсатмалар мустақиллик тонги ўзбек матбуоти тараққиётида муҳим босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил! «Оммавий ахборот воситалари, — дейилади нутқда, — демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур».

Бугун ўзбек матбуоти ана шу катта йўлда дастлабки қадамларни қўймоқда. Якин-якингача Россия газеталарида эскириб улгурган ахборотлар, дунё янгиликлари икки-уч кун ўтиб миллий матбуот саҳифалари юзини кўрарди. Эндиликда мўъжизакор «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан ер юзининг исталган гўшасида содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабар зудлик билан қабул қилиб олинмоқда, пешма-пеш ахборот воситаларига узатилмоқда.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! Кафолат бериб айтамизки, газета ва журналларда сиз мухлислар кўнглини безовта қилаётган, сиз азизларни қизиқтираётган, матбуотимизнинг сиздек садоқатли мададкорлари излаб-истаб ўқийдиган, сизнинг кундалик ҳаётингизда, туриш-турмушингизда, касб-корингизда мадад бўладиган мавзудаги чиқишлар янада кўпаяди. Матбуот — сизларнинг чинакам минбарингиз бўлишдан манфаатдордир! Негаки, матбуот халқнинг юзи, халқ маънавий оламининг кўзгусидир!

Бу эзгу мақсадлар рўёбга чиқмоғи учун сизларнинг ўз севган газетангиз ва журналингизни обуна орқали қўллаб-қувватлашингиз ғоятда аҳамият касб этади.

Обуна мавсуми қизғин паллага кирди. Зеро, сизнинг саховатингиз, Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорлигингиз матбуотни қўллаб-қувватлашда, обуна билан боғлиқ тадбирларни кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказишингизда ҳам намоён бўлишига ишончимиз комил!

Муҳтарам ҳокимлар!

Корхона ва ташкилотларнинг қадрли раҳбарлари!

Ҳурматли жамғармалар ва маҳаллалар раислари, ватанпарвар ишбилармонлар!

Биз сизларга мурожаат қиламиз!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан бел боғлаган бўлсангиз, Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тезроқ жорий этишга кўмак берай десангиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро аҳиллик, миллий тотувлик ва осойишталик бундан буён ҳам барқарор бўлишига ҳисса қўшай десангиз, аҳоли барча қатламларини, хусусан, ёш авлодни шонли боболаримиз яратган меросга муносиб, соғлом, билимли, маданиятли, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига тилакдош бўлсангиз, **газета ва журналларга фуқароларни якка тартибда ва жамоа бўлиб обуна бўлишлари учун моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланг!**

Маърифат зиёси бўлмиш газета-журнал ҳар бир мактаб, олий ўқув юртлари, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари кутубхоналарига етиб боришини таъминлайлик!

Б. Бойкобилов — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири.
А. Жўрабоев — «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари бош муҳаррири.
А. Ниёзов — «Туркистон» газетаси бош муҳаррири.
Ш. Ниёзов — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири.
А. Ортиқов — Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи.
А. Пукемов — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири.
Х. Саидов — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири.
Қ. Сейданов — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири.
Азим Суюн — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири.
О. Ҳожиева — «Саодат» журнали бош муҳаррири.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна давом этмоқда!
газетамиз нашр индекси: 64672

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимиз пахтачилиги тарихига «Андижон усули» номи билан кирган янги технология — чигитни плёнка остига экиш тажрибаси ўзини тўла оқлади.

Пахтачилигимиз истиқболини белгиловчи бу усулни кенг жорий этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги техника воситалари, хусусан, чигит экиш сеялкаларини ана шу усулга мослаштириш лозим. Бу борада Янгийўлдаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти ва мутахассислари зиммасига масъулиятли вазифа юкланган.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов шу институтда бўлиб, олимларнинг бу борадаги изланишлари, жумладан, чигитни плёнка остига экиш сеялкаси янги мосламасини яратиш устида олиб бораётган ишлари билан танишди. Суҳбат чоғида янги технологияни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев қатнашди.

ЕР ҲАЙДАСАНГ — КУЗ ҲАЙДА

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигида кузги-қишки дала ишларига бағишлаб семинар ўтказди. Унда асосий мавзу ерни келгуси йил ҳосили учун тайёрлаб қўйиш ҳақида бўлди.

Вилоят кўргазмали семинарида барча туманларнинг деҳқончилик-саноат уюшмалари раҳбарлари, бош ҳисоблотлар, бош муҳандислар, хўжаликларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Тўлқин Мирёқубов вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбари Абдулҳамид Саидҳўжаев республика Президентининг Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари халқ депутатлари кенгашларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг ўринбосари Турсунбой Қомилов кузги-қишки дала ишларини ўтказиш, Андижон вилояти пахтакорларининг плёнка остида ғўза ўстириш тажрибалари ҳақида сўзлади. Ўртачирчиқ тумани деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбари Маткарим Чинтошевнинг айтишича келгуси йили туманда 2200 гектар майдонга Андижон усулида чигит экиш режалаштирилган. Ҳозир ана шунга тайёргарлик кўрилмоқда

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИ

ЯҚИНДА «Камолот» жамғармаси Бўка тумани бўлими ташаббуси билан вилоят педагогика институти талабалари ҳузурида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб йиғилиш бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги Ўзбекистон янги тарихи маркази директори, профессор Ҳ. Содиқов кириш маърузаси билан бошлаб берди. Талабалар олдида халқаро Амир Темур илмий-экспедицияси бошлиғи Ф. Ашрафхўжаев сўзга чиқди. Кечада олийгоҳнинг илмий ходимлари ва ўқитувчилари ҳам иштирок этдилар.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

УСТОЗИ КАЛОН ШОГИРДЛАР ЁДИДА

ТОШКЕНТ вилояти ички ишлар бошқармасида яхши анъана қарор топди. Бу ерда ҳар жума куни маърифат дарслари ўтказилади.

Навбатдаги машғулот устози калон — Йўлдош Бобожонов таваллуд топган куннинг 90 йиллигига бағишланди. 400 га яқин осойишталик посбонлари қатнашган навбатдаги машғулот ҳамманинг эътиборини тортди. Бошқарма фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги полковник Муҳит Иногомов Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида масъул лавозимларда ишлаган, узоқ йиллар Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири бўлган, қатор мукофотлар соҳиби генерал-майор Й. Бобожоновнинг ибратли ҳаёт йўли ва иш тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Ҳ. Абдиев, А. Рашидов, М. Иванов кабилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Шу куни марҳум генерал-майор истиқомат қилган Юнусобод тумани, марказ-5 манзилгоҳидаги 156-коттеж пештоқига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Маросим иштирокчилари жанговар устознинг эзгу ишлари, ўгитлари, инсонларга кўрсатган меҳр-оқибатлари қалбларимизда абадий сақланиб қолади, дейишди.

Абдурахим УМАРБЕКОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

БАЙРОҚ ҲИЛПИРАБ ТУРМОҒИ КЕРАК

Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган «Кўнгил кўчалари» видеофильмида шундай лавҳа бор: фильм қаҳрамони кинотеатрга кириб, чиптачи аёлдан бино пештоқига тикилган давлатимиз байроғи дастасига ўралиб қолибди, мутасаддиларингизга айтсангиз, шуни тўғрилаб қўйишса, дея илтимос қилади.

— Байроқ ҳилпираб туриши керак! — дейди қаҳрамон.

...Мустақил мамлакатимиз футболчилари XII Осиё ўйинларида ғолиб чиққани ҳаммамизнинг ёдимизда. Эсланг-а: финал ўйини тугаганини билдирувчи ҳакам хуштаги янгради. Йигитларимиз Хитой терма жамоасини мағлуб этишди. Барча ғалаба нашидасидан масрур, бир-бирини қутламоқда. Шунда ҳужумчи Шуҳрат Мақсудов ватанимиз тимсоли — давлатимиз байроғини боши узра баланд тутиб, майдон бўйлаб югуради. Бу ҳам:

— Байроқ ҳилпираб турмоғи керак! — деганидир...

Барча русумдаги чет эл машиналарини танийдиган беш яшар ўғлим билан боғчага кетар эканмиз, кўзи тушган заҳоти ҳаяжон билан «Ана, Ўзбекистон байроғи!» дейди. Балки у ҳам:

— Байроқ ҳилпираб турмоғи керак! — деган каломни шу тарзда ифода этгандир?

Кўнгилдан бир ўй кечади: бу манзаралар нимаси билан фараҳбахш

Беш йилдирки, мустақил давлатимиз рамзларидан бири — покиза байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан тортиб, мамлакатимиз тенг ҳуқуқли аъзо бўлган барча халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлардаги элчихоналаримиз, ваколатхоналаримиз пештоқларида мағрур ҳилпираб, бутун олам аҳлига дунёда Ўзбекистон аталмиш юрт борлигини огоҳ этиб турибди! Қолаверса, мустақиллик ғоялари, суверен давлат тимсоллари юртдошларимизнинг юрак-юрагига сингиб бормоқда. Кўнгилдаги ғурурли туйғулар сабаби балки шундандир?

Ватан билан, унинг байроғи билан фахрланмоқ яхши. Лекин, шундай пайтларда кўнгил кўзи очиқ ҳар бир ватан фарзанди истиқлолимиз боқий бўлиши, музаффар байроғимиз абадий ҳилпираб туриши учун мен нима қилишим керак, дея ўйлайди.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олган Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан дунёда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Бу эса қўлигул ишчилар, заҳматкаш зироат аҳли, тийрак зиёлилару оташқалб ёшлар меҳнатининг самарасидир. Бу йўлда хизмат қилган, ватан корига яраган ҳар бир инсон боя айтилган олий мақсадларнинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшган бўлади. Зеро, Ҳадиси шарифда айтилганидек, меҳнат — энг олий ибодатдир.

Юртимизда қарор топган осойишталик, миллатлар ўртасидаги тотувлик, тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислоҳотлар жараёни ҳам жаҳон аҳлининг эътироф ва ҳурматига сазовор бўлаётир. Бошқача айтганда, бу ҳол эркин, ҳуқуқий давлат қуришдек буюк орзуимизнинг нечоғлик самимий эканини намойиш этмоқда.

Ўзбекистоннинг дунёнинг турли минтақаларидаги можароларни мулоқотлар воситасида ҳал этиш, хусусан Афғонистон ва Тожикистон заминида тинчлик ўрнатиш борасидаги таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиб, ниятимиз байроғимиз каби поклигидан далолат бермоқда. Демак, давлатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, юртимиздаги барқарорликни асраб-авайлаш, нуфузли санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида мамлакатимиз шаъни учун курашиш — барчабарчаси байроғимизнинг абадий ҳилпираб турмоғи йўлида қилинган ҳаракат бўлади.

Шу ўринда яна мустақил давлатимиз рамзларига ҳурмат хусусида тўхталишга тўғри келади.

Америка Қўшма Штатларига сафаримиз чоғида бир ажиб манзаранинг шоҳиди бўлдик: парламент биноси — Капитолия рўпарасидаги каттагина баҳаво майдонга юзлаб Америка давлат байроғи қадаб қўйилибди. Мен уни ҳайрат билан «байроқлар лолазори» деб атадим. Қолаверса, бу юртда ҳар бир бино, ҳар бир хонадон томида байроқ бор. Балким, ҳар бир фуқаронинг ҳам шахсий байроғи бор, десак хато бўлмас! Бу ибрат маъносидаги бир гап.

Мустақил Ўзбекистонимиз Байроғи ҳеч қачон қўйи эгилмасин! Ҳар биримиз унга муносиб бўлайлик.

БАЙРОҚ ДОИМО ҲИЛПИРАБ ТУРМОҒИ КЕРАК!

Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).

18 ноябрь — Ўзбекистон Давлат байроғи қабул қилинган кун



ҚОЙИЛ, «ПАХТАКАБЕЛЬ»!

«Ўзкабель» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг Чиноз туманидаги «Пахтакабель» корхонаси ходимларини изланувчан тадбиркорлар жамоаси дейиш ўринли бўлади. Корхонада шу йилнинг ўн ойлик режаси 112 фоиз қилиб бажарилди. Бу муддатда 49 миллион 250 минг сўмлик ўрнига 55 миллион 154 минг сўмлик сим, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Яқинда корхонада турли маркадаги электр маторларини таъмирлаш иши ҳам йўлга қўйилди. Бу тумандаги ташкилотлар, жамоа хўжаликлари учун катта қулайлик, шунингдек, корхона учун эса яхшигина даромад келтираётир.

— Айни пайтда, ишимизда бирмунча мураккабликлар ҳам мавжуд, — дейди корхона директори Икром Дадамуҳамедов. — Жумладан, асосий хомашё бўлган металлар қўшни республикалардан келтирилмоқда. Узилиш бўлиб қолмаслиги учун кўпроқ куч сарфлашимиз, изланишимизга тўғри келади. Лекин, мутахассисларимиз, малакали ишчиларимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайли бу муаммолар ўз вақтида бартараф топмоқда.

«Пахтакабель» корхонаси анъаналари, кўп йиллик синовлардан ўтган тажрибага эга. Корхона 1960 йилнинг 1 сентябрида ташкил этилган. Дастлаб олти дастгоҳ ўрнатилиб, 30 нафар ишчи билан сим, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 24 та дастгоҳ ишлаб турипти, жамоа аъзолари 182 кишини ташкил этмоқда.

Ислоҳот одимлари

Корхона ишлаб чиқариш бошлиғи Али Ҳафизов қадрдон жамоасининг ҳар бир аъзосини, иш сменаларидаги жараёнларни беш қўлдек билади.

— Мен корхона иш бошлаган пайтдан шу ерда меҳнат қиламан, — деди у биз билан суҳбатда. — Ҳозирги кунда «Пахтакабель»да ишлаётган Галина Гусеинова, Исмоил Тангрибергеновлар 1960 йилда корхонага келишган. Бугунги кунда Суннатилла Абдазов, Ботир Тошматов, Қаҳрамон Йўлдошев, Абулқосим Идрисов сингари ўнлаб ишчилар корхонамизнинг тажрибали ходимлари ҳисобланишади.

Корхонада маҳсулот турлари камайгани йўқ, сифати ҳам харидорлар талаби даражасида. Дастлабки маҳсулот сирти пахта толасидан тайёрланган ип билан қопланган мис сим бўлган эди. Кейинчалик махсус қоғоз билан ўралган алюмин симлар ва очиқ алюмин симлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда технологияси бирмунча мураккаб бўлган сирти лак билан қопланган эмал симлар, монтаж ишларида қўлланиладиган сирти пластикат билан қопланган мис ва алюмин симлар ишлаб чиқарилаётир.

Биз корхона ҳисобхонасида ишчиларнинг ўртача маоши билан қизиқдик.

— Ишчиларимизнинг ўртача маоши 2650 сўмни ташкил этяпти, — деди ҳисобчи аёл. — Албатта, маҳсулот ишлаб чиқаришига қараб, бундан ошириб олаётганлар ҳам анчагина.

Корхона истиқболини ўйлаган маъмурият ишчи ва ходимлар учун қулайликлар яратишга интилади.

— Ишчиларимизга талаб бўйича санитария ва бошқа даволаниш, дам олиш муассасаларига йўлланмалар бериб келяпмиз, — дейди касаба уюшмаси раиси Ахтем Гафаров. — Жамоа аъзолари корхона ҳисобидан даволанишмоқда. Махсус кийим-бош, сут билан ҳам таъминлаймиз. Сирдарё бўйида дам олиш уйимиз бор.

Тўғрисини айтганда, бугунги кунда корхона ва ташкилотлардан бандай илиқ таассурот, кўтаринки кайфият билан қайтавермайди киши. Хайрлашиш олдидан яна бир хушхабар эшитдик:

— Корхона ишчилари 1997 йил учун вилоят ва туман рўзномаларига корхона ҳисобидан бепул обуна қилинади...

Орзиқул МАЪМУРОВ.

СУРАТЛАРДА: Чиноздаги «Пахтакабель» корхонаси раҳбари Икром Дадамуҳамедов (ўнгдан иккинчи) ходимлар даврасида; сим чўзиш машинаси ишчиси Ботир Тошматов.

Абдужалил РАҲИМОВ олган суратлар.

Маҳалла фаоллари ҳақида ҳикоялар

ЎЗИМИЗНИНГ ИЗЗАТ ОПАМИЗ

ИЗЗАТ опани кўпдан бери биламан. Раҳбарлик лавозимларида ишлаганда ҳам, йиллар ўтиши билан ўз ҳоҳишига кўра кучи етадиган хизматни илтимос қилганида ҳам одамларга муносабати ўзгармади. Мулойимлиги, меҳрибонлиги, айниқса, бошига ташвиш тушган кишининг оғирини енгил қилиш учун интилиши билан эл орасида ҳурмат-эътибор топди. Ҳозир опа «Маҳалла» хайрия жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлимининг раиси. Бу ҳудуддагилар Иззат Султоновани меҳрибон онаханомиз деб юритишади. Бу бежиз эмас. Опага шу иш топширилибдики, маҳаллалар, оилалар турмуш тарзи билан ҳамнафас. Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил ичида опа қанчадан-қанча ночор оилалар, ўнлаб етимесирлар кўнглига рўшнолик бахш этди. Туманда ўталиган ҳар байрам тантаналарига албатта кам таъминланган хонадонлардаги болаларнинг суннат тўйлари уланиб кетади. Улар учун омонат кассаларда дафтарчалар очилиб, номларига пул ажратилади.

— Биз маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди Иззат опа, — аҳоли маънавиятини бойитиш билан боғлиқ тадбирларни изчил ўтказишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Айниқса, Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин бу иш жонланиб кетди. Туман ҳокимининг доимий мадади ва ғамхўрлиги туфайли талбирлар ҳамиша мазмунли ўтмоқда.

Биз опа бош бўлган 89 маҳалланинг айримларида бўлдик. Кишилар билан суҳбатлашдик. Улар «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман миқёсида ўтказган «Меҳр байрами», «Фахрийларни шарафлаймиз», «Оқ йўл, бўлажак аскар», «Ҳамма яхши хислатлар ота-онадан бошланади» каби давра суҳбатлари мароқли, таъсирчан ўтганидан ҳурсандлар.

— Биз бундай мулоқотлардан руҳланиб, ўзимизда «Урф-одатимиз, қадриятларимиз қайта тикланди», деб номланган тўй кечаси ўтказдик, — дейди «Янгиобод» маҳалла қўмитаси раиси Аҳроржўжа Иброҳимҳўжаев. — Ана шу даврада келин-куёв тўйини ихчам, мазмунли ташкил этиш, ёр-ёр айтиш, бешик тўйи, туғилган фарзандни қутлаш тадбирлари амалда намойиш қилинди. Шуни айтиш керакки, халқимиз сермаъно, енгил айтиладиган кўшиқларга, чиройли урф-одатларга бойлигини ўз маҳалламиз мисолида кўриб фахрланиб кетдим. Шундай тадбирларимизга опа кўмакдош бўлдилар.

Ўнғарбой Телемисов маҳалла қўмитаси раиси бўлган Жумабозор маҳалласида ўтган «Фахрийлар — маҳалла кўрки», «Келину қайнона — мақсадлари ягона», «Қизлар билса юмушни, енгиллашар турмуши» каби давра суҳбатлари ҳам унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Мустақиллик йиллари ичида туман миқёсида ўтган «Энг обод маҳалла», «Энг саранжом-саришта хонадон» танловларида олдинги ўринни эгаллаб келаётган «Дўстлик» маҳалласида турли миллат вакилларининг аҳил, иноқ ҳаёт кечиришларига бағишланган кечалар доим гавжумликда, қизиқарли ташкил этилмоқда.

— Пахта йиғим-терими бошланиши билан иш режамизни ўзгартирдик, — дейди мазкур маҳалла қўмитаси раиси Мукаррам Исломова. — Энди суҳбатлар бевосита дала бошларида, шийпонларда ўтаяпти. Чунки теримда пахтакорлар билан бирга маҳаллалардаги меҳнатга яроқли кишилар ҳам қатнашяптилар. Иззат опамиз бу борала ҳам доимо фаоллар.

Туманда ким билан суҳбатлашманг, Иззат Султоновани жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги, инсонийлиги ҳақида сўз очади.

Халқимиз элга астойдил хизмат қилган одам кам бўлмайди, — дея бежиз айтмаган экан. Опанинг сермазмун, олтмиш баҳорни ортда қолдирган умр йўли бунинг ёрқин ифодасидир. Уни бу қутлуғ довон билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратда: қибрайлик бир гуруҳ фахрийлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳимматингизга балли!

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҚАРИЯЛАР

Қибрай тумани фахрийлар кенгаши амалга ошираётган ишлардан ўрнак олса арзийди. Туманда уларнинг кўмаги билан бир қатор кичик корхоналар очилди, кексалар ишга жалб этилди. Айниқса, бу ерда бўлаётган хайрли тадбирлар, ҳашарлар фахрийларсиз ўтмайди...

Туманда ҳар ойнинг сўнгги пайшанбаси «Қариялар куни» деб эълон қилинган. Шу куни кексайиб, юролмай қолган, бетоб, ёрдамга мухтож отахон ва онахонларни йўқлаш, ҳолидан хабар олиш, ёрдам кўрсатиш одат тусига кириб қолган. Бу ишга тумандаги бир қатор тадбиркорлар, ҳиммати баланд инсонлар ҳам жалб этилмоқда. Туман фахрийлар кенгашининг раиси Жўра ака Хоназаровнинг одати шунақа. Ҳар ишга бош-қош, елиб-югургани югурган. Унинг атрофидаги Ориф ота Бобокалонов, Кенжа ота Худойберганов, Қўшоқ ота Раимов, Ғулом ота Каримов сингари фахрийлар яқин маслаҳатгўй, мададкордирлар. Яқинда отахон ва онахонларнинг ташаббуси билан Қорамурт маҳалласи ва Жарқўрғон қишлоқ марказларида урушда халок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Шунингдек фахрийлар ташаббуси билан 22-боғчада қўшимча бинолар қурилди. Отахон ва онахонлар тез-тез тумандаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот олийгоҳи ҳамда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида бўлишиб, уруғлик пахтани теришда фаол ёрдам беришмоқда.

Яқинда эса бир гуруҳ отахон ва онахонлар Бўка туманидаги С. Саймоқов номли жамоа хўжалигининг Абдулла Омонтоев бошқараётган 9-бригадасида ҳашарда бўлишди.

— Халқимизда «ҳа деган туяга мадор» деган нақл бор. Биз кексаларнинг терган пахтаси бир тоннага етар-етмас бўлди. Лекин гап унда эмас, ҳимматда — дейди тўқсондан ошган Саидазим ота Юсупов.

— Қибрайлик отахон ва онахонларнинг олийҳимматидан бенихоя хурсандмиз, — деди хўжалик раҳбари Ваҳоб Мирзақулов. — Уларнинг пойқадами ила маррага яқинлашиб қолдик.

Ҳашарда нуроний отахонлардан Салим Ориф-жонов, Абдумажид Ҳакимов, Комил Ортиков, мунис онахонлардан Тўтихон Тўхтаева, Мунаввар Холматова, Лаъли Солиҳовалар икки этакдан ошириб пахта тердилар.

Гулнора АШИРМАТОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА.

ФАХРИЙЛАР: «МАЪНАВИЯТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ»

ХАЛҚИМИЗНИ ўтмиш авлодларнинг энг яхши фазилатлари руҳида тарбиялаш, улар маънавиятини кўтариш масалалари Ўзбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонда ҳам, кейинги пайтда қатор вилоят кенгашларида сўзлаган нутқларида ҳам алоҳида уқтириб ўтилди. Шу боис баайни мазкур масала Тошкент вилоят фахрийлари кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига қўйилди.

Йиғилишда сўзлаган таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватов юртимиз заминида етишиб чиққан илм соҳиблари, уламоларнинг жаҳон маданияти ва фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапириб берди. Афсуски, бу зоти шарифлар ҳақида чет элларда одамлар анчагина маълумотга эга бўлса ҳам бизда улар яратган асарлар шу вақтгача ўрганилмай келинди. Ҳозирги авлодни ана шу азиз сиймолар кўрсатмалари асосида тарбиялаш замон тақозоси бўлиб турипти. Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокимлигининг бош мутахассиси Муҳаммад Юсуфхўжаев «Маънавият ва маърифат» республика маркази Тошкент вилояти бўлимининг раҳбари Раҳматилла Шералиев ва бошқалар бу соҳада ҳамма биргалашиб фаолият кўрсатиши кераклигини уқтирдилар. Омма орасида юксак маънавиятни қарор топтиришда фахрийлар масъул эканликлари таъкидланди. Хусусан, элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаб, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой ҳисобланмиш масжидлар фаолиятидан яхшироқ фойдаланиш мумкин. Шу мақсадда муқаддас жума кунини «Маънавият куни» тарзида белгилаб, ибратли тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. Чунончи, айни шу куни таббиёт ходимлари қариялар ҳузурига бориб, уларга маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш, милиция, ҳуқуқ-тартибот ходимлари эса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида нималарга эътибор қаратиш кераклигини тушунтириш, ижтимоий бўлим ходимлари эса ўз соҳаларидаги янгиликлар, давлатимиз яратиб бераётган имтиёзларни изоҳлаб, шарҳлаб бериш имкониятига эга бўлур эдилар.

Йиғилишда республика фахрийлар кенгаши бошқаруви раиси Бектош Раҳимов сўзга чиқди.

Соат МУСАЕВ.

ШИФОБАХШ СОВУН

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти қошида шифобахш совунлар ишлаб чиқарувчи ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ ана шу вақт ичида корхона бешинчи тур маҳсулот — дизенфекцияловчи қўшимча моддалар билан бойитилган кирсовун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Қўшма корхона маҳсулотлари

Ҳозирги вақтда корхонада ойига эллик мингтага қадар шифобахш совун тайёрланмоқда. «Атал», «Капила», «Дефна» совунлари харидорларга, айниқса манзур бўлди. Чунки улар таркибидаги экстракт ва витаминлар турли тери касалликларининг олдини олади, сочнинг майин ва бақувват бўлишини таъминлайди. Корхона шартнома асосида йигирма граммлик совун тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Шифобахш ўсимликлар экстрактлари қўшиб тайёрланган бундай маҳсулотга пойтахтимиздаги «Саёҳат», «Ўзбекистон» меҳмонхоналари дастлабки харидор бўлди.

(ЎзА).

«САМО»НИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ тумани марказий маданият уйининг «Само» ашула ва рақс дастаси ижодий жамоаси «Ёшлар оқшоми» деб номланган янги дастурни намойиш эта бошлади. Ёшлик, дўстлик, истиқлол, муҳаббат қувончлари тараннум этилган куй ва қўшиқлар мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Бадиий раҳбар Фарҳод Усмонов саҳналаштирган кўринишларда бугунги ёшларнинг масрур ҳаёти ўз аксини топмоқда. Қудратилла Нигматиллаев, Шуҳратжон Шарипов, Жаҳонгир Жалолов, Дилбар Исоқовалар талқинидаги дил тароналари барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ИШЛАШНИ ҲОҲЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ

Тошкент вилояти Меҳнат бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлинмалари Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигида ташкил этилган «Кабул — Тўйтепа текстиль» қўшма корхонасига 18-40 ёшлардаги хотин-қизларни, 20-40 ёшларда бўлган эркакларни тўқувчи, йигирувчи, таровчи, тупукачи, пайвандчи ва бошқа касблар бўйича ишга таклиф этади. Йигитлар ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари шарт. Бошқа зарур маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Олмалиқ шаҳри	4-28-59 4-35-14
Оҳангарон шаҳри	5-31-77 5-42-56
Оққўрғон тумани	2-11-88 2-14-81
Бўка тумани	3-53-63 3-75-69
Оҳангарон тумани	5-16-70 5-69-74
Қуйичирчиқ тумани	7-23-91 7-37-48
Пискент тумани	5-26-94 5-17-82
Ўртачирчиқ тумани (Тўйтепа)	2-16-83 2-13-83
Юқоричирчиқ тумани (Янгибозор)	3-19-01 3-19-85

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● *БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО шу кунларда ўз таваллудининг ярим асрлик санасини нишонламоқда. Бу маҳкама 1945 йилнинг 16 ноябрида Лондонда таъсис этилиб, 1946 йил 4 ноябрдан расмий равишда фаолият кўрсата бошлаган эди. 1993 йил 29 октябридан буён мустақил Ўзбекистон Республикаси мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг юқори савияларга кўтарилишида Президентимиз Ислом Каримов катта саъй-ҳаракатлар кўрсатди.*

● *РУС православ черкови Тошкент ва Марказий Осиё епархияси 125 ёшга тўлди. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрган Москва ва бутун Русия патриархи Алексей Иккинчи байрам тантаналарида иштирок этди. 11 ноябрь куни патриарх хазратлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қабулида бўлди.*

● *МАРКАЗИЙ Осиё республикалари бўйлаб сафарга чиққан Уэльс шаҳзодаси Чарльз республикамизга ташриф буюрди. У сафар чоғида қадимий шаҳарларни томоша қилди.*

● *ИККИ йилдан бери Тошкентда Амалий алоқалар марказида фаолият кўрсатаётган «Хорижликлар клуби» ёзги таътилдан сўнг яна ўз машғулотларини бошлади. Мазкур клубда чет элликлар республикамизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ислоҳотларнинг бориш жараёнлари билан чуқур танишмоқдалар.*

НИМА?

● ХИТОЙ Халқ Республикасининг валюта заҳиралари мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткичга етди. У 95, 36 миллиард долларни ташкил этди.

● 9 ТА ЖАМОАТЧИ ташкилот 40 йилдан бери пойтахт марказида турган Ленин ҳайкалини ташқарига кўчирганлиги учун Алмати ҳокимлигидан норози бўлиб судга ариза билан шикоят қилган эди. Жавобгар судга келмади. Даъво рад этилди. «Адолат учун курашувчилар» эндиликда республика Олий судига мурожаат қилиш ниятини билдирдилар.

● ШОВ-ШУВГА сабаб бўлган «Оддий Мария» кино туркумида бош ролни ўйнаган Мексика актрисаси Виктория Руффонинг эри — қизиқчи киноактер Эухенио Дербес билан ажралишига сал қолди. Ўн бир ойлик жудоликдан сўнг улар яна қайта жуфтлашдилар. Олти яшар ўғилча Хосе Эдуардо отаоналарининг ярашганидан жуда севинганини яширмаётир.

ҚАЧОН?

● ЕР ЮЗИНИНГ турли бурчакларида «Парвоз қилувчи йоглар»нинг мухлислари тобора кўпайиб бормоқда. Маълум таълимот тарҳсилидан ўтган бундай йоглар ер сатҳидан 50-60 сантиметр баландлаб, хона ичида уча оладилар. Бундай оқимга эллигинчи йиллар бошида Махариши Мехеш Йог деган шахс асос солган эди.

● АВСТРАЛИЯ парламентида тантанали равишда мамлакатнинг нуфузли нишонларидан бири — «Шокилали ҳоч» медали жасурлиги учун Физо лақабли... итга топширилди. У ўз соҳибини катта заҳарли илон ҳужумидан сақлаб қолиб, ўзи азият чеккан эди.

ҚАЕРДА?

● АҚШНИНГ Лас-Вегас шаҳрида оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасида жаҳон боксерлик ассоциацияси наздидаги чемпионлик унвони учун беллашув бўлиб ўтди. Унда ҳозирги пайтдаги энг кучли паҳлавонлар — Майк Тайсон ва Эвандер Холифильд учрашдилар. Ўн биринчи раунд охирига 37 сония қолганда М. Тайсон йиқилди. Ҳакам ҳисобни очди... Лекин, у ўзини ўнглай олмади ва чемпионлик унвонидан жудо бўлди.

АФРИКА қитъасининг марказида жойлашган Зоир, Руанда ва Бурунди давлатлари ўртасида бир муаммо бир неча йиллардан буён ҳамон ўз ечимини топмаётир. Гап шундаки, бу уч мамлакатнинг туташ чегараларидаги худудларда хуту ва тутси қабилаларига мансуб элатлар истиқомат қилади. Улар жуда кўп йиллардан бери бир-бирига қарши хунрезлик билан шуғулланадилар.

ЎЛИМДАН ҚОЧИБ... ЎЛИМГА

Қабилаларо тўқнашувлар кейинги икки ой давомида мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Бунга сабаб — икки йил бурун Руанда давлатида яшовчи тутси ҳамда хутулар ўртасидаги жанжал бўлди. Ўшанда ярим миллионга яқин тутсилар қириб ташланган эди. Қон тўкилишидан чўчиган ярим миллионга яқин хутулар қўшни Зоир худудига қочиб кетдилар. БМТ ёрдамида улар учун қўнагагоҳлар барпо этилди. Озиқ-овқат билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Бироқ, олдинги жанжалга бошчилик қилган раҳбарлар қўналғагоҳлар устидан ҳукмронлик ўрнатиб, оммани тутсиларга қарши қайта гиж-гижлай бошладилар. Ихтилофлар тобора ривожланиб борди. Аввал, Сомали можаросининг муваффақиятсизлигидан чўчиб қолган БМТ ҳамда АҚШ бу қабилавий жанжалларга аралашишни ўзига эп кўрмади.

Шу орада Зоир худудида XIX асрдан буён муқим яшаб келаётган бир неча юз минг тутсилар Зоир фуқароси эмас, деб эълон қилиндилар. Маҳаллий тилда баньямуленге деб аталувчи бу тутсилар қуролланишга ва ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар. Натижада, улар Руандадаги ҳамда Зоир ичкарисидаги хутуларга қарши жиддий кураш бошладилар. Зоир президенти Мобуту ҳукумати бу ҳолни кўриб, кўрмасликка олди. Натижада, минглаб хутулар мамлакатнинг шарқий минтақаси томон қоча бошладилар.

Айни пайтда ҳам Гома шаҳри атрофида тутсилар билан хутулар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турипти. Яқин кунларда 80 минг боланинг очликдан ва сувсизликдан ўлиши кутилмоқда. Устига устак вабо тарқалмоқда. Қизил Хоч мутасаддиларининг айтишига қараганда, у ҳам 100-150 минг одамнинг ёстиғини қуритиши мумкин.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамон мазкур минтақага кўп миллатли тинчлик кучларини юборишга шошилмаётир. «Қора қитъанинг қора ўпқони» деб аталган ушбу қабилаларо фалокатнинг нима билан тугашини ҳозирча ҳеч ким айтиб бера олмаётир.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЎТГАН ҳафтада Ашхободда 5 та Каспийбўйи давлатлари — Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Россия ва Эрон ташқи ишлар вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Каспий денгизидан биргаликда фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

● ЯҚИНДА Арманистонда бўлиб ўтган президентлик сайловларида ғалаба қозонган Левон Тер-Петросян ўз лавозимини ижро этишга киришди.

● 24 НОЯБРДА Беларусда умумреспублика референдуми бўлиши кутилмоқда. Референдумга етти савол ташланди. Уларнинг 4 тасини президент А. Лукашенко, 3 тасини Олий Кенгашдаги коммунистик ва аграр фракциялар депутатлари шакллантирдилар. Лекин, конституциянинг янги таҳрири масаласини кўриб чиққан Республика Конституцион суди яқинда референдум қонуний эмас, балки, маслаҳат моҳиятига эга бўлади, деган қарор чиқарди. Ўз навбатида президент навбатдаги фармони билан Конституцион суд қарорини деярли бекор қилди. Бундай ҳолат республикада сиёсий вазиятни янада чигаллаштириб юборди.

● НИКАРАГУАДА 20 октябрда бўлган президентлик сайловларининг натижалари энди эълон қилинди. Маълумотларга қараганда, Либерал уюшма номзоди Арнольдо Алеман 51 фоиз овоз олиб, ғалаба қилди. Унинг рақиби Сандиночилар миллий-озодлик фронтининг раҳнамоси Даниэль Ортега сайловлар натижасини тан олмайман, деди.

● УКРАИНА президенти А. Кучма Грецияга расмий ташриф буюрди.

● ЭРТАГА Қозоғистоннинг Бойқўнғир ракетагоҳидан Миррих сайёраси томон илмий ракета учирилади. Уни яратишда жаҳоннинг 20 мамлакати қатнашди. «Миррих-96» ракетаси 1997 йилнинг 12 сентябрида кўзланган манзилга етиб боради.

● ИТАЛИЯ полицияси Рим ёнида уюшган мафиячиликнинг донгдор бошлиқларидан бири — 44 яшар Антонио Паганони хибсга олди.

● ИСРОИЛ бош вазири Б. Нетаньяху ҳамда Фаластин мухторияти раиси Е. Арофатларнинг Хеврон (Ал-Халил) минтақасидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида олиб борган музокаралари яна натижасиз тугади. Е. Арофат Россия ва АҚШни Исроил ва Фаластин мухторияти ўртасидаги битимлар бажарилишида ҳакамлик қилишга чақирди.

ЙЎҚОТИШ НАВБАТИ — КИМЁВИЙ ҚУРОЛГА

МАЪЛУМКИ, кимёвий моддалардан яратиладиган аслаҳалар орасида кимёвий қуроллар ҳам одамзотни маҳв этишда ялпи қирғин воситаларидан бири ҳисобланади. Кимёвий қуроллар тадқиқ этилгач, дастлаб биринчи жаҳон уруши йилларида қўлланилган эди. 1925 йилда Женева баённомаси вужудга келди. Унга асосан бўғувчи, заҳарли, кимёвий қуролларни қўллаш ман этилган эди. Бироқ, уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, жойлаштириш хусусида таъқиқ кўрсатилмади. Бундан фойдаланган давлатлар сўнгги йилларда бу қуролнинг турли-туман, такомиллашган хилларини яратдилар. Сўнгги марта 1980—1988 йиллардаги Эрон-Ироқ урушида бу қурол ишга солинди.

Эндиликда ядровий қуроллардан сўнг кимёвий қуролларни ҳам батамом таъқиқлаш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилди. Шу боис 1993 йил 13 январида Париж шаҳрида мазкур қуролни таъқиқлаш бўйича анжуман чақирилиб, юқоридаги мақсадга қўшиладиган давлатлар имзо чекишга даъват этилди.

Бугунга келиб унга 160 мамлакат имзо чекди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бўлган Буюк Британия, Хитой, АҚШ ҳамда Франция давлатлари бу ишда асосий ташаббускор бўлдилар. «Жаҳон кимёвий қуролни батамом йўқотиш учун муҳим қадам ташлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кимёвий қуролни қонундан ташқари деб эълон қилиш тамойилига қўшилган давлатларни табриклайди» — деди БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий.

Сўнгги шартлардан бири — кимёвий қуролни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплашни таъқиқлаш, ҳамда уни йўқотиш тўғрисидаги Конвенцияга 65 мамлакат имзо чекиши лозим эди. Шу йил 31 октябрда Венгрия ана шундай мамлакат бўлди. Шундай қилиб, кимёвий қуролларни таъқиқлаш ва йўқ қилиш жараёни янги поғонага кўтарилди. Мазкур конвенция 1997 йилнинг 29 апрелидан бошлаб тўлиқ кучга киради.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 18

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 18 ноябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
18.15 «Эркатой».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Истиқлол одимлари».
19.05 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мозийдан садо».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Қўшиқларда юрак сўзларим». Гулбаҳор Сулаймонова.
21.40 «Зарчашма».
22.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Замин саховати».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак и Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Истиқлол рамзи». Видеоклип.
8.35 «Бир ўлка-ки...»
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.45 «Болалик — беғуборлик». Кинодастур.
11.25 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қадимий тоғлар афсонаси». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевиденияси
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Ангрен шаҳар «Шанс» шоу-данси намойиш этади...
*
Россия давлат телевиденияси
22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Самарқанд нақшлари. Шоҳизинда». Телефильм.
19.20 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.30 «Патриарх». Тошкентдаги Урта Осиё епархиясининг 125 йиллигига.
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 Эълонлар.
20.25 Кечки сеанс. «Кавказ асираси». Бадиий фильм.
21.55 «Спорт-тайм».
22.25 «Шлягер».
22.40 «Авторейд».
22.50 Эълонлар.
22.55 «5+1».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Оқ рух».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 Футбол шарҳи.
12.15 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
12.45 «Халқ ижодиёти».
13.25 Санъат усталарининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.25 «Менга сўз беринг!».
19.05 «Бу гулшан аро...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ботма,қуёш!». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Замон».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
22.55 «Ўзбекистон — менинг Ватаним!». Телефильм.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40 — 00.20 «Кинонигоҳ».

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Йўл бўлсин». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевиденияси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Улоқ», «Домбай». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденияси
22.50 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.30 «Безнен мирас».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
20.15 «ТВ IV канали эксклюзиви».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.20 «Тошкент оқшомида».
21.50 «Мезон».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Тошкентнома».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.15 «Гулдаста».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қалбим ардоғи». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
8.55 «Умид учқунлари». Тележурнал.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мусиқий саёҳат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
11.30 Алифбо сабоқлари.
*
12.30 «Сеҳрли оҳанглар». Болалар учун қизиқарли дастур.
12.25 «Руҳи равоним — эътиқод». «Паҳлавон Маҳмуд».
12.45 «Ҳуда-беҳуда гаплар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болажон».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...».
18.30 «Сўз сизга...». Ёшлар учун кўрсатув.
18.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Автоолам».
22.00 «15 дақиқа плюс». Спорт кўрсатуви.
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 «Дриблинг».
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Спорт қитъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Болалар учун фильм. «Ўрмонлар оша, тоғлар оша».
*
Россия жамоат телевиденияси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Шохсупа сари йўл».
*
Россия давлат телевиденияси
22.55 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Мультфейерверк».
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.30 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.45 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
22.20 «Қулги асло қаритмас».
22.50 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
23.20 Эълонлар.
23.25 «Жиллет-спорт».
23.55 «Коллаж».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 21

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 «Олтин балиқча». Хоразм Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.40 «Умр дафтаридан бир саҳифа». Мусиқий кўрсатув.
13.15 «Мозаика». Мультфильм.
13.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижинг-тоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Адашганлар».
19.05 «Омонлик тилаймиз!».
19.15 «Кузгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
21.55 «Нури иймоним...». Носир Алимахсумов куйлайди.
22.10 Диққат, премьера: Нурилла хожи Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри». «Тож маҳал». Драма. 1—2-қисмлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».
***
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 Оҳанглар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.20 «Мисс Малибу». Қизиқарли дастур.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хавфли қўниш». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевиденияси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Музей». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденияси
22.50 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.40 Эълонлар.
19.45 «02» тўлқинида.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юки-но бо. «Зао» тоғи». Телесериал (Япония).
21.20 «Эколот-коктейль».
21.50 «Эллада».
22.20 «Интер-спорт».
22.30 Зиелилар ҳаётидан янгиликлар.
22.35 «Компьютер-ревю».
22.55 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида». Спорт кўрсатуви.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Доно бобо даврасида».
12.30 «Эл тинчлиги йўлида». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Театр учрашувлари».
13.30 Эстрада қушиқлари.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 Нурилла хожи Абдуллахон ўғли. «Муҳаббат қасри». «Тож маҳал». Драма. 1 — 2-қисмлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес хафта якунлари.
19.00 «Йигит омон бўлса...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Замонамиз қаҳрамони».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.45 «Репортаж».
22.05 «Дилнавоз садолар».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Соғлом авлод учун!»
23.25 Эълонлар
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили ...».
9.20 «Мульти-пульти».
9.25 «Таманно».
9.35 «Табиат шифохонаси».
9.45 Мулоҳаза учун мавзу.
10.05 Видео янгиликлари.
10.25 Дилором наволар.
10.30 Видео — «О».
12.10 — 14.00 «Спорт қитъаси».
***
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Боганч». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевиденияси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.15 — 21.35
*
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Оқ йилқи», «Шаҳар шовқинларидан йироқда». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденияси
22.55 — 23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Монитор-Осиё».
20.30 «Ўзликни англамоқ». Хотин-қизлар ва жамият.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Коинот».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бумеранг».
22.40 Араб эстрадаси.
23.10 «Замин саховати».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Санъат олами».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Мен ёшликман».
11.00 «Хабарнома».
11.10 «Ёш куч». Тележурнал.
11.35 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
*
12.05 «Баҳор»нинг янги баҳори».
12.35 «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм.
13.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
14.00 — 15.00 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Олтин мерос». Халқ артисти Наби Раҳимов.
21.50 «Дилнавоз садолар».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.00 «Заковат».
22.10 «Куй ва тасвир».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Сангам». Бадиий фильм. 1 — 2-серия.

II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.05 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 — 23.35 Видео — «О».

III
18.20 Дастурнинг очилиши.
*
Россия жамоат телевиденияси
18.25 — 21.35
*
21.35 «Занданачи сири», «Тобольск ҳунармандлари». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденияси
22.40 — 24.00
*
24.00 — 00.15 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Шанба эртаги.
10.30 Сиз учун учрашув.
10.55 «Чинсан».
11.25 «Хит-коллекция». Дастурга мусиқий илова.
11.55 «Биз ва кино».
13.05 «Ассалом, Франция!».
13.35 «Клип-антракт».
13.40 «Комедиантлар».
14.00 — 15.05 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия.
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба эртаги».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Рақслар канотида».
20.35 Хайрли тун, «кичкинтойлар!
20.40 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 2-серия.
22.10 «Узинг учун 5 дақиқа».
22.15 «Олам ва одам».
22.40 «Хит-коллекция

КИМ АЙТАР, ДУНЁНИНГ УСТУНИ ЙЎҚ ДЕБ...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими масъул котиби, шоира Шарифа Салимова билан суҳбат

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА ИЗОҲ:

Шарифа Салимова Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. 1974 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тугатган. Ўзбекистон радиосида, «Саодат» журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилояти бўлимида хизмат қилган.

«Ҳаёт завқи», «Менинг баҳорим», «Ҳизр булоғи» сингари китоблар муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Оилали. Тўрт фарзанди бор.

— Шарифа опа, аслида сиз билан бўладиган бугунги суҳбатимизнинг мавзуси тайин: вилоят ижодкорлари ва кўп сонли муштарийларни Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими қайта тикланганидан хабардор қилиш ва уларни бўлимнинг бундан кейинги мақсад-режалари билан таништириш... Лекин, бундоқ қараб турсам, шоир қалбингизни аллақачон қандайдир сирли кечинмалар банд этгандек, ҳаёлчан нигоҳларингизда безовта ўй, фикрлар туғёни... Бир нарса демоқчисиз шекилли?!

— Ҳа... Атрофга қаранг-а!... Турналар кур-курлашиб учиб кетаяпти. Куз — ҳазонлар гулханини ёққан, ўйчан, донишманд фасл сокин кезиб юрибди. Баъзи дарахтлар яшиллигини ҳали бутқул йўқотмаган. Баъзилари эса аллақачон шип-шийдам. Куз гуллари, куз тунидаги юлдузлар... аллақандай сирли, кишини ўйлатадиган, бебош ҳаёлларни тиниқ торттирадиган, кўнгилга осудалик бағишлайдиган даражада ёкимли. Шу тобда севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг мана бу мисралари бот-бот ҳаёлимдан кечиб турибди:

Мангу яшилликнинг
маскани қайда,
Қайдадир сўлишни
билмаган баҳор?
Нечун у ҳовлиқиб оқувчи
сойда
Чавандоз умрнинг
қайтмас сеҳри бор?
Нечун уйғонади қайтадан
баҳор,
Нечун инсон умри
бўлмагай такрор?

Чиндан, нечун умр — инсон умри ҳеч такрорланмайди? Нега биз бу ҳақиқатни айниқса, куз ила такрор ва такрор юз келганда теранроқ тушуниб етаётгандек бўлаверамиз? Савоб дарахтининг томирларига нега илгарироқ оби-ҳаётни ботбот қуйиб турмаганимизга афсусланамиз. Она тупроқ, кўз гавҳари янглиғ азиз она Ватанимиз олдида ҳали фарзандлик қарзининг тахлари деярли бузилмай турганидан ҳижолат чекамиз. Чунки, ўтаётган ҳар бир дақиқа ғанимат. Кўнгилнинг ҳаётдан, ҳаётнинг кўнгилдан талаби эса жуда катта. Шу маънода куз жонкуяр дўст янглиғ бизни хушёр торттириб, кўп нарсани ёдга тушириб қўяди...

— Ҳа... Айтганингиздай, ҳар бир инсоннинг, у то умрининг охирги дақиқасига қадар бажариши лозим бўлган иккита муҳим қарзи ва фарзи бор. У ҳам бўлса ота-она ва Ватан олдидаги фарзандлик бурчи! Сизнингча, ҳозирги кунимизда бу бурч кўпроқ нималарда акс этади?

— Муқаддас Ҳадиси Шарифда шундай ёзилади: «Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир». Бу сўзлар айниқса, бугунги кунимизда — ҳурлигимиз, эркимиз ўз қўлимизга қайтиб келиб, юракларимизда мангу яшил боғлар яралаётган бир пайтда ўзгача жозиба билан қулоққа чалинади, назаримда. Биз эндиликда узоқ истибдод йиллари қиролмаган, яратолмаган дунёларимизни яратмоғимиз, қадимий битикларимизни кўзга суртмоғимиз, бу юрт тупроғининг ҳар бир заррасини жон қадар авайламоғимиз даркор. Юрт учун туну-кун жон куйдираётган яхшиларнинг яхшилари ёнида мададкор бўлиб турмоғимиз керак. Биз қайси касб, қайси соҳа кишиси бўлмайлик, элга эзгулик кўрсатмоқ, юрт ҳақида чинакамига қайғурмоқ ҳар биримизнинг бирламчи вазифамиздир.

— Хабарингиз бор, бундан уч-тўрт йил илгари Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими фаолияти номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган эди. Ўтган вақт ичида унинг тақдири билан деярли ҳеч ким жиддийроқ қизиқмади. «Тошкент ҳақиқати» газетаси томонидан уюшманинг собиқ раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотда ҳам худди шу масала кўндаланг қўйилган эди. Аммо натижани узоқ кутишга тўғри келди... Ҳар ҳолда, вилоят ижодкорларининг бахтига кеч бўлсада, бўлим қайта тикланди. Айтинг-чи, сиз ишни нимадан бошламоқчисиз?

— Мен ишни шу тупроқда яшаб ўтган улуғларимиз ёдидан бошламоқчиман. Улуғ зот — Ҳожа Аҳрор Валий, Сидқий Хондайлиқий, Элбек, ўзи-ю сўзи гавҳар, олима, шоира аямиз Музаяна Алавия сингарилар ҳам шу заминда камол топганлар. Бундайларнинг хотира кечаларини

Дилдаги гаплар

ўтказиш, вақти-соати билан улар ҳақида илмий-бадиий нашрларни йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятида эл назарига тушиб қолган бир қатор ижодкорлар бор. Ғунчадек-ғунчадек умидли истеъдодлар бор. Уларнинг юзага чиқишида, элга танилишида уюшманинг вилоят бўлими мадад қўлини чўзиши, бу борадаги ҳар қандай муаммони ҳал этишга қодир бўлиши лозим деб ўйлайман. Аммо бизнинг яхши ниятлар билан ташлаган илк қадамларимиз ҳозирча қўллаб-қувватланишга муҳтож. Иқтисодий қувват керак. Ишонаман ва ишонтира оламанки, вилоят маънавиятининг юраги бўлган ёш уюшмамиз тез орада оёққа туриб олади. Чунки, қаторда норин бўлса юкинг ерда қолмайди, деган доно гап бор, халкимизда. Мен вилоят ҳокимлиги ва мутасадди раҳбарларнинг кўмагини назарда тутаяпман...

— Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда маънавият ва маърифат тўғрисида эълон қилган Фармони айнан шу соҳада муҳим янгиланишни бошлаб берувчи катта воқеа бўлди. Бироқ, истаймизми-йўқми, халқимизни юксак маънавият сари етаклайдиган энг ишончли ва қудратли куч — адабиётдир. Тошкент вилояти ижодкорларининг худди шу масаладаги ният-режалари қандай?

— Биласиз, вилоят ижодкорлари ҳам республика ижодкорларининг узвий бир қисмидир. Биз ҳамиша бир-биримизга таяниб, бир-биримиздан ўрганиб иш олиб борамиз. Якин кунларда ижодкорларимиз билан бир йиғилишиб, дийдорлашиб, кенгашиб олсак режаларимиз яна бир пухталашади. Маънавиятга оид учрашувлар, кечалар ташкил қиламиз, таниқли шоир-ёзувчиларнинг китобхонлар билан юзма-юз мулоқотларини уюштирамиз. Бу борада дастлабки қадамларни ҳам ташлаб олдик...

Лекин тан олиш керакки, Ёзувчилар уюшмасининг бошқа вилоятлардаги бўлимлари биздан анча илгарида. Айниқса, Андижон ва Фарғона вилоятлари... Уларда ёш ижодкорлар марказлари анчадан бери фаолият кўрсатаяпти. Бўлимлардаги ходимларнинг сони ҳам етарли, тажрибалари ҳам кўп. Худо хоҳласа, ўз меҳнатимиз, фаол ҳаракатимиз, яхши натижаларимиз билан биз уларни қувиб етамиз.

Эшитганмисиз, ёзувчилар орасида «истеъдодлар қишлоқда туғиладилар», деган ҳазилнамо гап юради. Бир жиҳатдан шу гапда ҳам жон бор. Вилоятларда яшаб, ижод майдонига кириб келаётган ёшларни топиш ва уларнинг ҳақиқий ижодкор сифатида шаклланишида ёзувчилар уюшмалари ва уларнинг бўлимлари зиммасидаги масъулият анчагина салмоқли. Менимча, маънавиятнинг бирламчи кўриниши ҳам шу — ёш истеъдодларни кашф этиш, унибўсишига имкон яратиш, уларни катта йўлга етаклаб чиқиш... Ҳайём айтганидек:

Эй дил, бил, ҳар нима
тансиқ жаҳонда,
Шодлик боғин кўкат безар
ҳар ёнда.
Кечқурун кўкатга шабнам
сингари
Бир қўндинг-у, учиб
кетдинг азонда.

Аслида умрнинг майсаларга илинган шабнамдек ғаниматлигини сезиб, эзгулик сари шошиш ҳам маънавият. Маънавият — дунёнинг устуни. Маънавият — кўнгилнинг туб-тубида қайнаб турган зилол булоқ. Биз ундан бир-биримизни сероб қилмоққа шошилишимиз керак. Одамларга Ватанни севмоқ иймондан эканлигини айтишдан аввал, уларнинг дилига иймоннинг нелигини сингдирмоқни ўйлашимиз даркор. Тинчлик билан саломатлик икки улуғ неъмат эканлигини, айрим кишилар унинг қадрига етмай, ношукурлик қилишлари кўнгилдаги зилол булоқларнинг куриб қолишига олиб келишини ёдига солиб қўйиш лозимдир. Йўлда кетаётган сўқир чолни қирқ қадамгача етаклаб бориш, хаста қўшнига бир коса иссиққина оби ёвғон чиқариш, етим гўдакнинг бошини силаш, кечқурунлари чироқ ёруғида фарзандларимизга Яссавий ҳикматларини ўқиб бериш...

Буларнинг бари ўша тоза булоқ мавжлари — маънавиятнинг камалак шаклидаги кўринишлари... Буларнинг бари халқ кўксидан яна халқ кўксига оқади. Миллатнинг қадрини, қаддини баланд қилади. Вилоят қалам аҳли ҳам бундан буён шу мақсад йўлида жипслашади...

— Ташкилий жиҳатдан анчагина муаммолар йиғилиб қолган уюшма фаолиятини изга солиш ва унга раҳбарлик қилиш чинданда, оғир вазифа. Ваҳоланки, сиз аёлсиз, онасиз, ижодкорсиз... Бу нарса сизнинг ижодий режаларингизга таъсир қилмайдими Умуман, ўзингиз ҳақингизда ўзингиз нима дея оласиз?

— Агар мана шу ёш уюшмамизнинг иши биз ўйлаган даражада юришиб кетса, вилоятдаги кўп миллатли, турли ёш ва турли касбдаги ижодкорларимиз бир мақсад йўлида фаол бирлашсалар, юқорида сизга юрак ютиб айтган ва айта олмаган бир қанча эзгу ниятларимиз амалга ошса ва энг муҳими, мен елкамдаги масъулиятни уддалай олсам ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим. Қолаверса, бунинг учун ўзимдаги бор ғайрат-шижоат ва билимимни сарфлашга тайёрман. Ўзим ҳақимда эса... Келинг яхшиси, яқиндагина ёзган бир шеъримни айтиб бераколай. У айнан «Ўзим ҳақимда...» Эшитинг-а:

Гўзал майса титроғини
Она ерга илинади.
Булбул дили наво дея
Минг жойидан тилинади.

Гуллар гўзал нозларини
Асраб қўяр дунёларга.
Чумолилар ухлаб қолар
Бошин қўйиб хулволарга.

Мен тоғ қизи — дарвеш
шоир,
Дунёларга етгим келар.
Сенга, Ватан, райҳон исли
Шеърлар бериб кетгим
келар...

— Суҳбатингиз ва чиройли шеърлар учун раҳмат. Ишларингизга ҳамиша омад тилаб қоламиз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.



МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

АТТОР сўзини тингланг, ижодидан баҳраманд бўлинг, азиз газетхон! Унинг ижоди денгиз қирғоқларига урилиб, тошиб чиққан, ундан чашмалар отилиб чиққан. Бу чашмалардан нур базмлари яралмишдир. Бу ишқ ва маърифат нури бўлиб, қиёматгача ушбу ижод чашмалари оқиб туради. Ушбу меросни кўкда малаклар, жаннатда руҳлар мутолаа қилади. Ахир, ижодкор ғайбдан бонасибку! Эй аллома, сўзинг одамлар қалбига ғулғула солсин, ғофилларни огоҳ этсин, мудроқларни бедор қилсин, шарафлиларга шараф бағишласин!

НИЯТ

СУЛАЙМОН ПАЙҒАМБАРГА жамики жонзот итоат қилар, у эса қурту-қумирсқа, паррандаю-дарранданинг тилини билар, улар билан суҳбатлаша оларди. Бир кун у чумолилар тўдаси ёнидан ўтди. Барча чумолилар унинг хизматига югурдилар. Аммо бир чумоли унинг олдига келмади. Чумолининг уяси олдида бир тепалик бор бўлиб, у якка тан шу тепалик тупроғини бошқа ёққа ташир, уйининг олдини текислаш пайига тушган эди. Сулаймон уни олдига чақириб, деди:

— Эй чумоли, сени жуда бетоқат ва ташвишли кўряпман. Агар сенда Нуҳ умрию, Аюб сабри бўлганда ҳам, бу улкан тепаликни ташиб битказолмайсан. Бу сенинг ишинг эмас, шу кичкина жуссанг, зиғирдек қўлларинг билан шу ишни амалга ошириш мумкинми?

Чумоли унга қараб деди:

— Бу йўлда ҳиммат билан иш кўрсатиш керак. Сен менинг ниятимни ўзига эмас, камолиға боқгил! Мени бу йўлга муҳаббат бошлади. Мен тепа нарёғидаги бир чумолига ошиқман, тепа уни мендан ажратиб туради. У чумолига менга: «Шул тепани орадан кўтарсанг, васлимга етиб бахтиёр бўласан», — деган. Шунинг учун бу ҳижрон деворини ташиб тугатмасам бўлмас. Агар тепаликни ташиб йўлни тозаласам, ёр васлига етиб, шодон бўламан, аммо агар иқтидорим етмай, шу йўлда жон берсам минг-минг розиман!

НАЗМ: Келиб кўнглим тўрида меҳмон бўл,
Ва ё тиғинг била жаллоди жон, бўл!
Асир этдинг дилимни, жонни-банда,
Қилай садқа эса минг жон танда!

САБОҚ: Ишқни чумолидан ўрган. Ёр висолига етиш осон эмас, жон фидо қил жонона керак бўлса. Кўрлардан кўришни, ожизлардан қаҳрамонликни таълим ол. Чумолига паст назар билан қарама, чунки унинг ҳам қалбида ишқ инқилоби мавжуд. Бу йўлда нималар бўлаётганини билиш қийин, балки шер чумолидан танбеҳ олар. Ҳа, ишқ мўъжизалар яратар оламда!

КАРОМАТ

КАТТА ДЎКОН ёнидан жулдур кийимли бир девона дарвеш ўтди. У гоҳ дўконга ва унинг лиқ тўла токчаларию, қизғин бораётган савдосига, гоҳ тўрда савлат тўкиб ўтириб, хизматкорлар ишини кузатаётган дўкон эгасига қарар, баъзан кулиб, баъзан «ох» тортиб йиғларди. Девона охири садақа қилинг, деб овоз чиқарди. Дўкондор унга парво қилмади. Шунда дарвеш айтди:

— Эй хожа, не навъ ўлгунгдур?

Дўкондор жавоб берди:

— Сен қандай ўлсанг мен ҳам шундай ўлгумдур!

Дарвеш деди:

— Йўқ, сен ундай ўла олмассан.

Хожа сўради:

— Не учун?

У жавоб берди:

— Шунинг учунким, менинг юким енгил, қуруқ танам ва уни беркитган жанда хирқадан ўзга нарсам йўқ. Менинг бу дунё дўконини тарк этишим осон. Аммо сенинг юкинг оғир: ҳашаматли иморатинг, мол тўла дўконинг, зар тўла ҳамёнинг, хизматкор-ғуломларинг бор. Шунча юк билан манзилга қандай етиб борасан? Ўз ишингни чорасини қил, мен эса мана бундай ўламан. Дарвеш белидаги қовоқ қачкулини бошининг остига қўйдию, жон берди. Дўкондор хайратдан лол бўлиб қолди. Астасекин дўкон олдида одам йиғилди. Барча яратганнинг кароматини кўриб, кўзларига ёш олдилар. Хожанинг аҳволи мутлақ ўзгарди, чунки дарвешнинг ўлими унга қаттиқ таъсир этган эди. У соҳиб каромат дарвешни иззат-эҳтиром билан кўмди. Сўнгра хизматкор ва ғуломлари, қариндош уруғларини йиғиб, бор молу-мулкини уларга бўлиб бердида, хайр-хўшлашиб, ўз шаҳрини тарк этди. Энди у одамларнинг вужуд-аъзолари учун эмас, балки қалблари учун дори-дармон излаш, илоҳий илмларни эгаллаган ориф мардлар даргоҳидан хушбўйликлар кидиришга тушган эди.

НАЗМ: Дунёда топайин десанг омонлик,
Заррача бировга қилма ёмонлик!
Кулфат келмасин, деб хоҳласанг бошга,
Лутфу эҳсон кўрсат кексаю ёшга!

САБОҚ: Сен шоҳлик хазинасини тиларсан, аммо У раъй қилса беради, истаса тортиб олади. Сен эса бу бойликни нега берилганию, нега қайтариб олинганини билишинг керак. Бевафо дунёнинг абадий хурсандчилиги йўқ, нур ҳамда зулматдир. Агар кумуш ҳадя этса, тошга айланади. Берган оти чўлоқ, бахт қушининг қаноти қайрилган. Фироқсиз висол инсон қисмати эмас, гул тикансиз, шакар чивинсиз бўлмайди. Бу оламда мен беғам кишини кўрмадим, кўрганимда эди, этагини ушлаб, тавоф этардим.

ҲИРС

БИР ПОКДИЛ инсон ҳузурида муҳаббат ҳақида сўз борар эди. Ўтирганлардан бири деди:

— Мен олтин ошиғиман, пулни, бойликни яхши кўраман. Олтин ишқи вужудимда жон кабидир. Агар қўлимда зар гулдай очилиб, чарақлаб турмаса, мен ҳам гул ғаби кулиб туролмайман. Дунё ишки мени ғамлардан озод қилди, одамлар орасида обрўли-эътиборли бўлдим. Зарпарастман, зардир-олтиндир менинг сиғинганим!

Шунда покдил одам унга қараб деди:

— Эй аслга эмас, суратга ошуфта бўлган, сурат бандига тушган одам, кўнглингдан сафо саҳарининг нури йироқ, сен чумолига ўхшайсан, кавакдардан бошқа нарсани билмайсан. Кечакундуз девонадай чопасан, суратга гирифторсан. Маънони изла, суратга ўралмагин, асл моҳият маънодир, сурат арзимасдир, ҳечдир. Олтин кўринишда бўлган тошдир, сен ёш бола каби ранг-бўёқларнинг ошуфтасисан. Сенинг олтинларинг бирор ишга ярамайди. Қиёмат куни бу олтинлар билан ҳеч кимга ёрдам беролмайсан. Сен ўйинчоқлардан лаззат топасан, нурнинг нуридан шодсан. Сен аслга интилмайсан, нурнинг манбаъини истамайсан. Жони покингни олтин бандидан озод эт, эй жон, моҳият мутлақият ошиғи бўлмоғи керак.

НАЗМ: Олтин-кумуш бўлса, едир барчага,
Ўзинг ҳам роҳат қил, еб-ичиб қолгин.
Сендан қолажакдир бу иморатлар,
Ғиштлар бўлганда ҳам кумуш ё олтин.

САБОҚ: Агар донишманд бўлсанг, ўзингга ўзинг эшикни ёп. Одам фарзандининг ҳирси бунча кўп бўлмаса, бунча ҳам у оламда ҳайрону саргардон! Эй ҳирслар билан қалб кўзи кўр бўлган киши, ҳирс орқасидан гўргача борасан, то ўлгунингча ҳирсинг камаймас, чунки ҳирснинг ярасига фақат ўлим даво бўла олади. Дунё молини фаровон татиб кўрдинг, бунча йиғиб нима қиласан, хўш? Ахир сен йўловчисан, йўловчи учун бунча юк на ҳожат?

АЛҚИССА: Сўз айтдим, тамсил келтирдим маъносини уқиб олинг, доно ўқувчи! Ҳирс нима, нафс нима билиб олинг, азизлар! Ҳақни севган инсонларнинг иймони сизга ёр бўлсин! Яратган ҳам иймон-садоқати борларни севади. Бу улуғ аждодир бандаси ва раббул оламин ўртасида!

Доно киши вужуди мисоли зару тилло,
Ҳар қаерга борса ҳам қиммати тушмас асло!

БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек туманидаги масъулияти чекланган жамиятнинг «Алихон-Ал» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
Тел. 41-69-48.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

КУЧЛИЛАР ТАНЛАНАДИ

ЎТГАН куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирликларига учиб кетишди. Улар бу ерда ўн кун давомида иқлимга мослашиб, учта халқаро ўртоқлик ўйинини ўтказишади.

Бу мазкур мамлакатда 3 декабрда бошланадиган навбатдаги Осиё Кубоги беллашувлари олдидан ўзига хос синов вазифасини ўтайди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Баҳодир Иброҳимов ва мураббийлар ҳайъати сафарга қуйидаги ўйинчиларни жалб этдилар: П. Бугало («Пахтакор»), Д. Башкевич, О. Беляков («Навбаҳор»), Г. Безденежних («Дўстлик»), ҳимоячилар Ф. Магометов, Э. Мамотов, Г. Денисов («Навбаҳор»), Ф. Давлетов (МҲСК), А. Захаров («Нурафшон»), У. Рўзимов, Н. Ширшов («Пахтакор»), А. Федоров, И. Шарипов, Д. Батинков, Т. Мадраҳимов («Навбаҳор»), С. Лебедев, С. Атоян («Нефтчи»), Н. Ҳасанов, Ш. Раҳмонқулов (МҲСК), Р. Бозоров («Пахтакор»), М. Қосимов («Алания» Россия), ҳужумчилар О. Шацких, З. Мусабоев («Навбаҳор»), М. Қурбонов (МҲСК), Д. Назаров, А. Абдураимов, Ш. Мақсудов («Пахтакор»), И. Шквирин («Бней-Иегуда» Исроил).

Эътибор берган бўлсангиз ҳар бир ўринга икки-тўрт номзод киритилган. Мураббийлар сафар давомида моҳир ўйинчиларни танлаб олиб, расмий учрашувларга энг муносибларини жалб этиш ниятидадирлар.

САМБОЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

СПОРТНИНГ бу тури бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида жаҳон XX юбилей биринчилиги Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 23 мамлакатнинг 180 дан зиёд вакили қатнашди.

90 килограммгача вазнда ўзбекистонлик Шуҳрат Ҳожиев барча олишувларни ғалаба билан якунлади ва жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди. У финалда грузиялик И. Ғамхиташвилини мағлуб этди. 100 килограммдан зиёд вазнда эса Муҳаммаддўст Тошев кумуш медали билан тақдирланди. У финалда дзюдо бўйича Олимпия ўйинлари ғолиби Д. Хахалеишвилига ютказди. 100 килограммгача вазнда Ботир Хўжаев бронза медалига сазовор бўлди. Жамоа бахсида Ўзбекистон вакиллари фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Қизларимиз эришган натижалар ҳам кувонарли бўлди. Жаҳон биринчилигида Ўзбекистондан атиги уч спортчи қатнашди. 48 килограммгача вазнда Екатерина Зайцева, 80 килограммгача вазнда Юлия Юнкина бронза медалларини қўлга киритдилар. 60 килограммгача вазнда иштирок этган Елена Тулупова бешинчи ўринни олди. Атиги уч спортчимиз йиққан очколар жамоа ҳисобида кучли олтиликка кириш имконини берди.

Чим устида хоккей

УЧИНЧИ ЎРИН БИЛАН КИФОЯЛАНИШДИ

ЎЗБЕКИСТОН спартакиадаси дастури асосида аёллар ўртасида чим устида хоккей мусобақалари Бухорода ўтказилди.

АВВАЛИГА 8 жамоа икки гуруҳга бўлиниб, давра усулида мусобақалашдилар. Биринчи ўринни эгаллаганлар ғолиблик учун финалда учрашишди. Ўз гуруҳларида ғолиб келган Бухоро ва Андижон вилоятлари ўзаро баҳсида андижонликлар 2:0 ҳисобида ғолиб келиб, спартакиада чемпиони бўлишди.

Учинчи ўрин учун Самарканд ва Тошкент вилоятлари хоккейчи қизлари баҳслашдилар. Тошкент вилояти қизлари 5:1 ҳисобида ғалабага эришиб, учинчи бўлишди.

«ЎЗБЕКНАВО»
Гастрол-концерт бирлашмаси
Эстрада жамоалар дирекцияси
«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА
4, 5 декабрь соат 18.00 да
Ботир Зокиров номли ёш эстрада қўшиқчилари 1-кўрик танлови ғолиби
АЗИМ МУЛЛАХОНОВ
ва
«НОЛА» гуруҳи
«БИР БОҚИБ АҚЛИМНИ ОЛДИНГ»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ ТАКДИМ ЭТАДИ
ДАСТУРНИ — бадиий сўз устаси Республикада хизмат кўрсатган артист
ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
Чипталар «ТУРКИСТОН» саройи кассаларида соат 10.00 дан сотилади.
Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 44-56-07, 44-79-61, 45-92-51.

«Ўзбек давлат цирки»

Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН!
1996 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ — 1997 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида
«ЦИРКДА АРЧА»
«ЭРТАКДА — ЭРТАК»
ТОМОШАЛАРИ
ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ва эртакларнинг қаҳрамонлари қатнашадилар. Дастурда цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади ва ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.
ТОМОШАЛАР:
21—27 декабрь кунлари соат 12.00, 14.00 да;
28, 29 декабрь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10.00 да;
9-12 январь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да.
Олдиндан чипталар сотиш кассаси ишламоқда.
Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 44-35-92, 44-29-04.

Тошкент Давлат туман электр станцияси жамоаси шу корхона директори В.О. Ядгаровга отаси
ОМОН АЛИМУҲАМЕДОВИЧ ЯДГАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.
• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0630. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8500 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6